

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ЎРАЛОВ АБДУМАННОН ИСКАНДАРОВИЧ

***ALLIUM* ТУРКУМИ *MELANOCROMMYUM* КЕНЖА
ТУРКУМИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИОМОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Ўралов Абдуманнон Искандарович <i>Allium</i> туркуми <i>Melanocrommyum</i> кенжа туркуми айрим вакилларининг биоморфологик хусусиятлари	5
Уралов Абдуманнон Искандарович Биоморфологические особенности некоторых видов подрода <i>Melanocrommyum</i> рода <i>Allium</i>	21
Uralov Abdumannon Iskandarovich Biomorphological features of some species of genus <i>Allium</i> subgenus <i>Melanocrommyum</i>	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ЎРАЛОВ АБДУМАННОН ИСКАНДАРОВИЧ

***ALLIUM* ТУРКУМИ *MELANOCROMMYUM* КЕНЖА
ТУРКУМИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИОМОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.floruz.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Печеницын Владимир Петрович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанов Фуркат Оринбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Хайдаров Хислат Кудратович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «09» октябрь куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-32-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «24» сентябрь куни тарқатилди.
(2018 йил «24» сентябрдаги 8 - рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш глобал муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Биохилма-хилликнинг глобал баҳолаш UNEP маълумотларига кўра, «... бугунги кунда турли омиллар натижасида 30 000 дан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Шу муносабат билан, табиий флоранинг манзарали, ноёб ва камайиб бораётган турларни аниқлаш ва уларни сақлаб қолиш йўллари ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда ўсимликларнинг манзарали, ноёб ва камайиб бораётган турларнинг систематикаси, уларнинг экологияси, интродукцияси ва сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга кўра, камёб ва манзарали геофитларни ўсиш шароитларига морфологик ва экологик жихатдан мослашувчанлиги исботланди, интродукция (*in situ*) ва микроклонал (*in vitro*) шароитларида экиб кўпайтириш йўллари такомиллаштирилди, *ex-situ* шароитида реинтродукция усуллари ишлаб чиқилди. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўзининг камёблиги ва манзаралилиги билан алоҳида ажралиб турувчи, кўкаламзорлаштириш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилаётган *Allium L.* туркуми вакиллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу туркум пиёзбошли вакиллари деярли 41% Марказий Осиё мамлакатларида тарқалган бўлиб, туркум вакиллари табиий ва интродукция шароитларидаги морфологик хусусиятларини аниқлаш, ўсиш-ривожланиши ва иқлимлашишини асослаш, интродукция қилиш, *ex-situ* шароитида коллекцияларини яратиш, кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш, ободонлаштиришда фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Хозирда республикамизда биохилма-хилликни сақлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди ва бу борада ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, камёб ва ноёб ўсимлик турларини сақлаб қолиш ва уларни интродукция шароитида кўпайтириш борасида ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш» вазифаси белгилаб берилган. Бу ўринда, жумладан ёввойи пиёз туркуми (*Allium L.*) турлари табиий популяцияларини аниқлаш, муҳофазалаш, биологик хусусиятларини асослаш, *ex-situ* шароитида кўпайтириш, ободонлаштириш ва озиқ-овқат саноатига тадбиқ этишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми бўйича олиб борилган сўнгги йиллардаги тадқиқотлар, жумладан туркум вакиллариининг систематикаси, таксономияси, биологияси, морфологияси ва интродукцияси бўйича маълумотлар хорижлик олимлар R.M. Fritsch, 1990; В.А. Черемушкина, 2004; Г.А. Волкова, 2007; Л.А. Тухватуллина, Л.М. Абрамова, 2011; Т.Е. Буко, Т.В. Роднова, 2014 тадқиқотларида келтирилган.

Ўзбекистонда тарқалган *Allium* туркумининг ареаллари, ўсимликлар қопламида тарқалиши ва интродукцияси бўйича маълумотлар Ўзбекистон флораси (2016), З.Н. Филимонова (1958), Ф.О. Хасанов (2008), К.Ш. Тожибаев, О.Т. Тургинов, Ф.И. Каримов (2014) ишларида келтирилган. Бироқ бу тадқиқотлар *Allium* туркуми турларининг табиий шароитдаги морфологик, биологик ва репродуктив хусусиятларини тўлиқ очиб бера олмайди. Шунга кўра, бу туркум вакиллариининг табиий ва интродукция шароитидаги хусусиятлари, уларнинг ҳаётчанлиги ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, репродуктив хусусиятларини аниқлаш, муҳофазага муҳтож турлар популяцияларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва *ex-situ* шароитида сақлаб қолиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-0-12154 “Янги истиқболли манзарали ва доривор ўсимлик турларини интродукцион баҳолаш ва уруғдан кўпайтириш биологияси” (2012-2016) ва ВА-ФА-Ф-5-008 “Ўзбекистон флораси камёб эндем турлари генофондини *ex situ* шароитида сақлаб қолишнинг илмий асослари ва уларни кўпайтириш биологияси” (2017-2018) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон флораси *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг табиий ва интродукция шароитида биоморфологик белгиларини аниқлаш, репродуктив

стратегиясини асослаш ва реинтродукция усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон флорасининг *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг табиий ва интродукция шароитларида морфологик хусусиятларини ўрганиш;

тадқиқот олиб борилган турларнинг феноритмотипларни ва генератив пояларидаги органларда вегетация давомийлигини аниқлаш;

генератив ўсимликларда морфологик белгиларнинг популяция ичидаги ўзгаришларни ва уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаш;

Allium туркуми турларининг ҳаётчанлиги ортиб бориши билан вегетатив ва генератив соҳаларда рўй берадиган ўзгаришларни аниқлаш;

ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги ва унинг ўзгариш механизмларига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш;

уруғларнинг сифат хилма-хиллигини аниқлаш;

Allium stipitatum мисолида пиёзли ўсимликлар клонларида ёш таркибининг ўзгаришлари ва унинг таркибий хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон флорасининг *Allium* L. туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг интродукцияси, морфологияси, репродуктив стратегияси ва биологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда морфологик, экологик, интродукция, уруғ маҳсулдорликни аниқлаш, қиёсий ва статистик услублардан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Melanocrommyum кенжа туркуми турлари гуллаш даврига кўра 3 та гуруҳи асосланган;

Allium туркуми турларида асосий морфологик белгилари ва уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичларининг ўзгаришлари барглар сони билан бевосита корреляцион боғланишга эга эканлиги аниқланган;

ўсимликларда яшовчанлик ортиб бориши билан ҳақиқий уруғ маҳсулдорликнинг ортиши турли механизмлар ҳисобига рўй бериши исботланган;

Melanocrommyum кенжа туркуми турлари уруғларнинг абсолют оғирлигига кўра очиқ шароитдаги унувчанлиги аниқланган;

A. stipitatum тури мисолида клон ўлчами билан унинг генератив ҳолатга ўтиш муддатлари ҳамда ёш типлари асосланган;

Melanocrommyum кенжа туркуми пиёзли турлари клонлари морфо-ценотик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тоғли худудларида тарқалган камёб, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи пиёз турларини мониторинг қилиш, муҳофазалаш ва саклаб қолиш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

Allium туркуми турлари 24 та популяциясининг тарқалиши, биометрик

кўрсаткичлари асосида янги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон флораси” китобининг навбатдаги нашри учун тақдим этилган;

ҳимоя қилиниши керак бўлган 17 та пиёз турларнинг табиий популяцияларини сақлаб қолиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда Тошкент Ботаника боғида *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркумининг *ex-situ* шароитидаги тирик коллекцияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ва улар асосида олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг статистик таҳлил қилинганлиги, шунингдек, олинган амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми ноёб ва эндем турлари коллекциясини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон флорасининг *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми вакиллариининг табиий шароитдаги биоморфологик хусусиятлари таҳлил қилинганлиги, турларда интродукция ва иқлимлаштириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришларни очиқ берилганлиги, экологик мослашувчанликнинг ўсимликлар репродуктив стратегиясида намоён бўлишини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиатни муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ноёб ва камайиб бораётган турларни табиий шароитда популяцияларини реинтродукция қилиш, маҳаллий шароитнинг ноқулай шароитларига чидамли турлардан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда фойдаланишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон флорасининг *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркумига мансуб турлари биоморфологик хусусиятларини тадқиқ қилишда олинган натижалар асосида:

Allium туркуми турларининг Ўзбекистон тоғли ҳудудларида тарқалган камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг янги популяциялари ва биоморфологик ҳамда муҳофазасига доир маълумотлар Жиззах вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими фаолиятига жорий этилган (Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2018 йил 27 апрелдаги 01-12/02-11-565-сон маълумотномаси). Натижада, 20 дан ортиқ ёввойи пиёз турларини муҳофаза қилиш, уларнинг камайиб кетиши сабабларини аниқлаш ва ҳудудларда *in situ* шароитида ёввойи пиёз турларининг тирик коллекцияларини ташкил этиш имконини берган;

Ёввойи пиёз турларнинг биоморфологик хусусиятлари, уруғ маҳсулдорлиги, уруғдан ва вегетатив кўпайтириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Нурота давлат қўриқхонаси, миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил

14 июндаги 05/05-1628-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудлардаги ёввойи пиёз турларини реинтродукция қилиш, 3 та озуқабоб пиёз турлари ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда такрорий кўпайтириш имконини берган;

Ўзбекистон тоғли ҳудудларида тарқалган *Allium* туркуми ноёб, эндем ва Қизил китобга киритилган турларни сақлаб қолиш, кўпайтириш ҳамда реинтродукция қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Тошкент Ботаника боғи геофит турларини *ex situ* шароитида кўпайтириш фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 июндаги 4/1255-1616-сон маълумотномаси). Натижада, 50 дан ортиқ ёввойи пиёз турлардан иборат “Пиёз боғи” ни ташкил этиш ва реинтродукциясини амалга ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб, «*Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг замонавий ҳолати, тадқиқотнинг объекти ва методлари» деб номланиб, *Melanocrommyum* кенжа туркуми бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг қисқача таҳлили, ишнинг методлари ва ўрганилган турлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми бўйича олиб борилган сўнгги йиллардаги тадқиқотлар, жумладан туркум вакиллари систематикаси ва таксономияси М.Р. Fritsch (1990), А.П. Серегин (2007), М.Р. Fritsch, М. Abbasi (2013), Ф.О. Хасанов (2008) томонидан аниқланган. Янги турлар Khassanov, М.Р. Fritsch (1994),

M.R.Fritsch (2009) маълумотларида келтирилган. Биология ва морфологияси Specht С.Е., Keller E.R. (1997), В.А. Черемушкина (2004), Г.Л. Кудряшова (2008), томонидан ўрганилган. Экология ва фитоценологияси В.А. Черемушкина (2002), И.В. Ильина (2006), амалиётда қўлланилиши Ф.О. Хасанов, Т.А. Умаров (1989), Keusgen et al., (2006), интродукцион ўзгарувчанлик Г.А. Волкова (2007), М.А. Павлова (2008), Т.Е. Буко, Роднова (2014) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон флораси *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми вакилларининг биоморфологик кўрсаткичлари, уруғ маҳсулдорлиги ва репродуктив хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий ишлар деярли мавжуд эмас.

Иккинчи бўлимда тадқиқот давомида қамраб олинган *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркумига мансуб турлар ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб: *A. alexeianum* Regel, *A. altissimum* Regel, *A. baissunense* Lipsky, *A. caspium* (Pall.) M. Bieb., *A. cupuliferum* Regel, *A. giganteum* Regel, *A. isakulii* R.M. Fritsch & F.O. Khass., *A. karataviense* Regel, *A. komarowii* Lipsky, *A. macleanii* J.G. Bake, *A. protensum* Wendelbo, *A. sarawschanicum* Regel, *A. stipitatum* Regel, *A. suworowii* Regel, *A. taeniopetalum* Popov & Vved., *A. tschimganicum* B. Fedtsch. & Popov ва Ўзбекистон флорасига мансуб бўлмаган *A. cristophii* Trautv. турларини ўз ичига олади

Тадқиқотлар табиий шароит билан бир қаторда Ботаника боғида интродукция шароитида ҳам олиб борилди.

Тур таркиби “Ўзбекистони Флораси” ва “Ўрта Осиё ўсимликлар аниқлагичи” маълумотлари бўйича аниқланди. Турлар таркибини аниқлашда ЎзР ФА Ботаника институтининг илмий ходимлари б.ф.д., профессор Ф.О. Хасанов, б.ф.д. академик К.Ш. Тожибаев, б.ф.н. Н.Ю. Бешколар томонидан бекиёс ёрдам кўрсатилди.

«*Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг биоэкологик хусусиятлари» деб номланган иккинчи боб *Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг морфологик хусусиятлари, феноритмотиплар ва фенологик кузатиш натижалари, яшовчанлик ва пиёз ўлчамларининг биоморфологик хусусиятларнинг ўзгаришига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Биринчи бўлимда тадқиқот олиб борилган 24 популяциянинг, барглар сони, остки барг эни, ўсимлик баландлиги ва пиёз диаметри каби параметрлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Танлаб олинган параметрлар таҳлилига кўра барглар сони *Allium* турлари хусусиятларини кўрсатишда муҳим белги ҳисобланади (Серегин, 2007). Энг кўп барглар сони *A. sarawschanicum* турида (5 та баргли ўсимликлар аниқланди, “Ўзбекистон флораси” китобида 2 та баргли ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтирилган), оз сонли барглар – *A. altissimum*, *A. aroides*, *A. giganteum* ва *A. macleanii* турларида. Иккита турда – *A. taeniopetalum* *A. karataviense* – “Ўзбекистон флораси” китобида келтирилган маълумотлардан кўп ва кам сонли баргга эга ўсимликлар борлиги аниқланди. Эътиборли жиҳати, кузатув натижаларига кўра 1 баргли генератив ўсимликлар *A. aroides*,

A. taeniopetalum, *A. karataviense*, *A. macleanii* турларида, 4 баргли ўсимликлар *A. giganteum* турида аниқланди.

Барг эни *Allium* туркуми турларида систематикасидаги муҳим белгилардан бири саналади (Серегиен, 2007). Тадқиқот олиб борилган *A. karataviense*, *A. komarowii* ва *A. stipitatum* турларидан ташқари барча турларда “Ўзбекистон Флораси”да келтирилган барг ўлчамлари энидан каттароқ ўлчамга эга ўсимликлар аниқланди.

Қолган кўрсаткичлар – ўсимлик баландлиги ва пиёз диаметри ўлчамларида ҳам адабиётларда келтирилган ўлчамлардан катта ва кичик ўлчамларга эга ўсимликлар борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқот олиб борилган барча турларда барглар сони, барг эни, ўсимлик баландлиги ва пиёз диаметри ўлчамларида “Ўзбекистон Флораси”да келтирилган маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилувчи маълумотлар келтирилди.

Иккинчи бўлимда ўрганилган барча турлар феноритмотип хусусиятига кўра баҳорги яшил ўсимликлар эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилди. *Melanocrommyum* кенжа туркуми вакилларида баргнинг эрта сарғайиши характерли белги хисобланиши аниқланди. Баргнинг ерусти қисми гуллаш бошлангунча ёки гуллаш даврида бошланади. Гуллаш якунланишида кўп турларда барглар вегетациясини якунлайди. Фақат гулпоёгина ўз яшиллигини сақлаб қолиб, акропеталь йўналишда мева етилгунга қадар сарқайиб боради.

Учинчи бўлим *A. suworowii*, *A. giganteum*, *A. stipitatum*, *A. karataviense*, *A. protensum*, *A. cristophii* турларида барглар сонининг ўсимликларнинг биоморфологик хусусиятларига таъсирига бағишланган. Олинган материаллар таҳлилига кўра барглар сонига ва пиёз ўлчамидаги ўзгаришлар Ботаника боғи шароитида яққолроқ кўзга ташланди. Шундай бўлсада, барглар сонининг турли бўлиши нафақат табиий шароит, балки Ботаника боғи шароитида ҳам аниқланди. Барглар сонининг ортиб бориши билан генератив поялардаги ўсимлик баландлиги, остки барг ўлчамлари, гулпоё диаметри, гуллар ва уруғлар сони, ёндош пиёзчалар сони ҳам ортиб боради. Қизиқарли томони, мева ҳосил бўлиш жараёни фақат *A. protensum* ва *A. suworowii* турларидагина ишончли даражада ортиб борди.

Тўртинчи бўлим *Allium* турларида пиёз йириклиги турларнинг биоморфологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга бағишланган. Тадқиқот олиб борилган турларда табиий шароитда ўриндош пиёз ўлчамининг сезиларли даражада турли туман бўлиши кузатилди. *A. giganteum* турининг 4 баргли вакилларида бу кўрсаткич 2,5-4 см. гача, *A. karataviense* турида 2 баргли ўсимликларда 2,7-5,5 см. гача, 3 баргли ўсимликларда 2,7-5,5 см. гача пиёзлар диаметрида ўзгаришлар қайд этилди.

Олинган маълумотлар, бир хил барг сонига эга ўсимликлар турли ўлчамдаги пиёз диаметрига эга бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Ботаника боғи шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра *Allium* турларининг пиёз диаметри бевосита ўсимлик биоморфологик кўрсаткичларига таъсир қилиши аниқланди. *Allium* туркумининг кузатиш

олиб борилган барча турларида пиёз диаметрининг ортиб бориши билан баргларнинг ўртача сони ва генератив ўсимликлар фоиз миқдори ортиши аниқланди. Корреляцион таҳлил натижалари пиёз ўлчами билан ҳосил бўлган барглар орасида яқин боғлиқлик борлигини кўрсатди ($r = 0,70-0,83$ ($P < 0,001$)).

Шу билан биргаликда, генератив ўсимликларнинг ҳар бир вариантыда барглар сонининг вариацион ўзгариши кузатилди. Катта вариацион фарқланишлар *A. cristophii*, *A. stipitatum* ва *A. suworowii* турларида 4-5 барг фарқланиши билан, *A. giganteum* ва *A. protensum* турларида 1-2 барг фарқланиши билан кузатилди.

Кузатишлар давомида аниқланишича, турли ўлчамга эга ўсимликлар бир хил барглар сонига эга бўлган ўсимликлар ҳосил қилиши мумкин экан. *A. stipitatum* турида 6 баргли ўсимликларнинг пиёз ўлчамларига эътибор берганимизда, 3,0-3,9 см. дан то 5,0-5,9 см. гача диаметри пиёзлар борлиги аниқланди, *A. suworowii* турида эса 4 баргли ўсимликлар пиёз диаметри 1,0-1,4 дан 2,5-2,9 см. гача бўлиши мумкинлиги аниқланди. *A. suworowii* турида пиёз диаметрининг ортиб бориши барглар сонининг ортишидан ташқари ўсимлик баландлиги, остки барглар ўлчами, гулпоя диаметри, гуллар сони, уруғлар сони ва 1 та мевадаги ўртача уруғлар сонининг ортишига олиб келган.

Яна бир маълумотни келтириб ўтиш жоиз-ки, бир хил пиёз диаметрига эга турли барглар сонига эга ўсимликларда уруғлар сонига фарқланиш кузатилди. Демак бу турда уруғлар сони нафақат тўпгулдаги гуллар сони, балки мевадаги уруғлар сонининг ортиши ҳисобига ҳам ортиб боради.

A. suworowii турининг бир хил барг сонига эга пиёз диаметри турлича бўлган ўсимликлар таҳлил қилинганда, пиёздаги озик моддаларнинг ортиши ўсимликнинг фақат вегетатив тизимига – ўсимлик баландлиги ва барглар сонининг ортишига олиб келди. Генератив қисмдаги кўрсаткичларнинг ўзгариши турли йўналишдаги характерга эга бўлиши кузатилди.

Шундай қилиб, ўрганилган турларнинг биоморфологик хусусиятларига таъсир кўрсатувчи асосий омил генератив поядаги барглар сони эканлиги аниқланди ва қолган барча кўрсаткичлар шу асосий кўрсаткичга боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди.


Табий шароитда тасодиқий усулда материал йиғиш орқали ўрганилган ўсимликлар таҳлил қилинганда барча турларда генератив ўсимликларнинг барглар сонига кўра тақсимланиши бир чўққили қийшиқ график кўринишида бўлди. Шунга кўра *A. karataviense* турида 2 баргли ўсимликлар, *A. protensum* ва *A. suworowii* – 3 баргли ўсимликлар, *A. stipitatum* – 4 баргли ўсимликлар, *A. giganteum* – 6 баргли ўсимликлар 40-60 % ни ташкил қилди.

Турли ўлчамли пиёзга эга ўсимликлар таҳлил қилинганда, барча вариантларда ўхшаш натижалар олинди (1-расм). Пиёзлар диаметрининг максимал ортиб бориши йирик кўрсаткичларга томон қийшиқ тарзда ортиб бориши кузатилди.

Бир хил диаметрга эга пиёзларда генератив пояда турли сондаги баргларнинг шаклланиши ва шунга боғлиқ гуллар ва уруғлар сонининг ўзгариши *Allium* турларида уруғ сифатининг турлича бўлишидан ва заҳира

озик моддаларнинг турлича ўзлаштирилишидан далолат беради. Кўриниб турибдики, кўп уруғларнинг шаклланиши нафақат ўсимлик пиёзларида ҳосил бўлган захира озиқ моддаларга, балки ўсимликнинг мослашиш даражасига, барглар сонининг шаклланишига ва шу билан боғлиқ уруғ ҳосил бўлишига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин экан.

Генератив ўсимликларнинг барглар сони бўйича тақсимланишида графикнинг бир чўққили характерга эга бўлиши ҳар хил турларда, турли шароитларда, турли ўлчамдаги пиёзларда ўхшаш бўлиши генетик хусусиятдан – мослашиш даражасининг турли бўлишидан гувоҳлик беради.



1-расм. *A. suworowii* турида генератив поядаги барглар сонининг пиёз диаметрига боғлиқ равишда ўзгариши, %

Популяциядаги ўсимликларнинг тақсимланишини қуйидаги шаклда келтиришимиз мумкин:

- қуйи даражада мослашган ўсимликлар (10-15% атрофида) – генератив ҳолатга кечроқ ўтади ва оз сонли барг ҳосил қилади, ривожланишнинг кейинги босқичига кечроқ ўтади, оз сонли гулларнинг ҳосил бўлиши билан характерланади, мевалар сонининг кам шаклланиши ва мевада кам уруғ ҳосил бўлиши билан ажралиб туради, пиёз ўлчамининг секин ортиши ва ўсиш шароитининг ўзгаришидан кам таъсирланади;

- юқори даражада мослашган ўсимликлар (10-15% атрофида) – пиёздаги озиқ моддалар кам бўлишига қарамасдан генератив ҳолатга биринчилардан бўлиб ўтади, кўп сонли барглар ҳосил қилади, ривожланишнинг кейинги босқичларига тез ўтади, гуллар ва мевалар сонининг кўплиги, мева ҳосил бўлишининг юқорилиги ва мевадаги уруғлар сонининг кўп ҳосил бўлиши характерли, пиёзининг тез йириклашуви яхши шароитда кўрсаткичларнинг максимал ҳолатда бўлиши билан ажралиб туради;

- ўрта даражада мослашган ўсимликлар – юқорида келтирилган ҳар икки гуруҳ ўсимликлар кўрсаткичларини ўртача даражасига эга бўлиб

популяциянинг 70-80 % ини ташкил қилади.

Қулай ўсиш шароитида *Allium* турларида ўсимликларнинг турли-туман бўлиши, яъни бақувват ўсимликлар билан бир қаторда заиф ўсимликларнинг ҳам учраши генератив поядаги барглар сонининг ирсий белги сифатида шаклланигандан далолат беради.

Шундай қилиб, тадқиқот олиб борилган *Allium* туркуми турларида мослашиш даражасида гетероген яъни турли-туман хисобланиб, охир оқибат уларнинг морфологик хусусиятлари ва уруғ маҳсулдорлиги самарадорлигида намоён бўлади.

Учинчи боб «*Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми турларининг культурафитоценоз шароитидаги биоэкологик хусусиятлари» деб номланиб, Ботаника боғининг назоратсиз шароитида (культурофитоценоз) рўй берадиган ўзгаришлар ҳақида натижалар келтирилган.

Биринчи бўлимда *Allium* туркуми турларининг культуурофитоценоз шароитида сақланиб қолиш ҳолати ўрганиган бўлиб, олинган натижаларга кўра турларнинг асосий қисми ярим соя ва соя жойларда сақланиб қолган ва мева ҳосил қилиш, ўсиш майдонини кенгайтириш хусусиятини сақлаб қолган. Айнан соя жойларда пиёз турларининг сақланиб қолиши уларнинг қуёшли жойда кенг тарқалган рақобатчи бегона ўсимликлар босимидан шу йўл билан сақланиб қолганидан, қуюқ соя берувчи дарахтлар то етарли даражада соя ҳосил қилгунча пиёзбошларда етарли даражада озик моддалар тўплашга улгура олганидан далолат беради.

Иккинчи бўлим уруғ маҳсулдорлик ва репродуктив стратегия имкониятларини ўрганишга бағишланган бўлиб, турларнинг яшовчанлиги ортиб боргани сари уларда гуллар сони, мева ҳосил бўлиши, мевадаги уруғлар сони ҳосил бўлиши ҳар бир турда ўзига хос амалга ошади. Ўзгарувчан шароитларга кам мослаша оладиган *A. giganteum* турида ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги фақатгина гуллар сонининг ортиши эвазига, *A. protensum* турида мева ҳосил бўлишининг ортиб бориши, мевадаги уруғлар сонининг ортиши эвазига ўсимликдаги ХУМ деярли 10 баробарга ортиши орқали амалга ошади.

Ўрганилган пиёзли геофит турларида заҳира озик моддаларининг турли органларда – пиёзлари, ерости барг қобиклари, гулпоя ва тўпгулдаги гулпоячаларда жойлашиши билан характерланади. Турли органлардаги озик моддаларнинг репродуктив стратегияни ва шу орқали ҳаётчанликни оширишини аниқлаш корреляцион таҳлил орқали амалга оширилди. Факториал белги сифатида барглар сони, пиёз ўлчами, қобиклар сони ва гулпоя ўлчами олинган бўлса, натижавий белги сифатида – гуллар сони, мева ҳосил бўлиши, мевадаги уруғлар сони ва уларнинг абсолют массаси қабул қилинди (1-жадвал).

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра ўрганилган турларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Allium турларида захира озик моддалар манбаси (x) ва уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичлари орасидаги (y) корреляцион боғлиқлик

Факториал белгилар (x)	Натижавий белгилари (y)			
	Гуллар сони	Мева ҳосил бўлиши, %	Мевадаги уруғлар сони	Уруғ абс.оғирлиги, г
<i>A. giganteum</i> , n=42 $r_{0.05} \geq 0.304$				
Барглар, сони	0.62			
Этли барглар, сони		0.04	0.01	0.27
Гулпоя, баландлик		0.07	0.11	0.14
Гулпоя, диаметр		-0.07	0.13	0.35
<i>A. altissimum</i> n=18 $r_{0.05} \geq 0.468$				
Барглар, сони	0.51			
Этли барглар, сони		0.32	0.23	-0.05
Гулпоя, баландлик		0.67	0.59	0.31
Гулпоя, диаметр		0.47	0.62	0.21
<i>A. protensum</i> n=14 $r_{0.05} \geq 0.532$				
Барглар, сони	0.74			
Этли барглар, сони		0.69	0.76	-0.22
Гулпоя, баландлик		0.28	-0.03	0.47
Гулпоя, диаметр		0.65	0.58	-0.26
<i>A. suworowii</i> n=50 $r_{0.05} \geq 0.280$				
Барглар, сони	0.85			
Этли барглар, сони		0.61	0.37	0.39
Гулпоя, баландлик		0.61	0.55	0.34
Гулпоя, диаметр		0.54	0.47	0.37

Изоҳ: ишончли даражада фарқ қилувчи корреляция коэффицентлари ажратиб кўрсатилган ($P < 0.05$).

Биринчи гуруҳ - *A. giganteum* ва *A. altissimum* – баландлиги 135-140 см. ли бақувват, баланд ўсимликлар, уруғлар асосан гулпоялар фаолияти ҳисобига шаклланади, барг қобикларидаги захира озик моддаларнинг катта қисми бир 70 г. ва иккинчиси 55 г. гача борадиган ўриндош пиёзларнинг шаклланишига сарфланади.

Иккинчи гуруҳ - *A. suworowii* ва *A. protensum* – майда пиёзли ўрта бўйли турлар, репродуктив стратегияда гулпоялардан ташқари этли барглар ва тўпгул (тўпгулдаги гулпоячалар) иштирок этади. *A. suworowii* табиий шароитда баландлиги 95 см. гача ва пиёз оғирлиги 23 г., иккинчи тур эса 41 см. гача ва пиёз оғирлиги 36 г. гача боради.

Этли қобиклар ва гулпоядаги озик моддаларнинг репродуктив стратегияда ҳамкорликда иштирок этиши, бир-бирини тўлдириши бизни

фикримизча, экологик мослашувчанликда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи гуруҳдаги *A. giganteum* гипсли, олажинсли тупрокларда учрайди, *A. altissimum* – тоғ этакларида учрайди. Иккинчи гуруҳдаги *A. protensum* турли шароитларда – кумли, бўз тупрокларда, чўлларда, олажинсли ва шағалли ёнбағирларда, *A. suworowii* эса кум тупроқли тоғолди ёнбағирликлардан то ўрта тоғ тизмаларигача кенг тарқалган бегона ўт хисобланади.

Шундай қилиб, тадқиқот олиб борилган *Allium* туркуми турларида репродуктив стратегия ўзгарувчанлиги, унинг намоён бўлиш самарадорлиги, ўсимликларнинг ҳаётчанлиги, ҳаёт шакли ва ривожланиш даври шаклланишига арид иқлим шароитнинг бевосита таъсири сабаб бўлади. Яшовчанлик ортиб бориши билан уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичларининг ўзгариш характери ҳар бир тур хусусияти ва ёруғлик шароитидан келиб чиқиб аниқланади.

Учинчи бўлимда популяция ичидаги уруғлар сифатининг турли даражада бўлиши ҳақида олинган натижалар келтирилган. Ботаника боғининг локал популяцияларидан тўпланган материални таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, ўсимликларнинг яшовчанлигидан қатъий назар популяция ичидаги ўзгарувчанлик ўрганилган барча турларга хосдир.

Ўзгарувчанлик оралиғини турларда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:
- кам ўзгарувчан – уруғлар абсолют масса оғирлиги қийматларидаги фарқ 2,5 баробардан ортиқ эмас – *A. suworowii* (2014 й.) ва *A. cristophii*
- кўп ўзгарувчан – фарқлар 3,5 баробардан ортиқ – (*A. altissimum*).

Уруғларнинг абсолют оғирлигидаги ўзгарувчанлик (вариабеллик) барглари сонидан қатъий назар барча ўсимликлар популяциялари учун хосдир.

Популяциядаги ўсимликларнинг уруғ абсолют оғирлигига кўра тақсимланишида майда ва йирик уруғли ўсимликлар миқдори 10-15 %, популяциянинг асосий қисмини 70-80 % қисмини ўртача абсолют оғирликка эга ўсимликлар ташкил қилди.

Лаборатория шароитида деярли барча вариантларда уруғ унувчанлик 80 % дан юқори натижа берганлиги сабабли, уруғ йириклигининг унувчанликка таъсири сезиларли даражада фарқ қилмади. *A. stipitatum*, *A. cristophii* ва *A. protensum* турларида майда уруғларнинг унувчанлиги бошқа фракциялардан нисбатан камроқ натижа кўрсатди.

Кўрсаткичлар орасидаги фарқ *A. suworowii* ва *A. stipitatum* турларида 20% дан юқори бўлмади, қолган турларда майда ва йирик уруғлар унувчанлигидаги фарқ – 21-34% натижа берди.

Очиқ грунт шароитидаги унувчанлик натижалари лаборатория шароитига нисбатан кам натижа кўрсатди. Шу билан бир вақтда турли фракциялардаги уруғ унувчанлиги орасидаги фарқлар ҳам сезиларли даражада фарқ қилди.

A. giganteum, *A. stipitatum* ва *A. suworowii* турларининг йирик уруғлари унувчанлиги лаборатория шароитидаги каби унувчанлик 70 % дан юқори бўлди ($P > 0,05$), *A. cristophii* турида 1,2, *A. protensum* турида эса 1,7 баробар кам натижа олинди ($P > 0,05$).

Ўртача уруғ фракцияларида олинган натижалар барча турларда

лаборатория шароитидаги унувчанликка нисбатан 1,3 (*A. suworowii*, *A. stipitatum*) дан 4,8 (*A. protensum*) баробар кам натижа олинди.

Майда уруғ фракцияларида олинган натижалар –1,2 дан (*A. suworowii*) то 33,9 (*A. protensum*) баробаргача кам натижа аниқланди.

Тўртинчи бўлим *A. stipitatum* турининг уруғ ҳосил бўлиши жараёнига ёруғликнинг таъсири бўйича олинган натижалар келтирилган. *Allium* туркумининг пиёзли турларида мўл уруғ ҳосил бўлиши нафақат бу йилги, балки ўтган йилги вегетация давридаги ёруғлик миқдорига ҳам боғлиқ. Соянинг ортиб бориши ўсимликларнинг кам ривожланишига олиб келади. Уруғ ҳосил бўлишининг бошқарилиши шаклланган мевалардаги уруғлар сони доимий бўлган ҳолатда мева ҳосил бўлишининг ўзгариши орқали амалга оширилади.

Тўртинчи боб «*Allium stipitatum* клонларида ёш таркиби ўзгаришининг таркибий хусусиятлари» деб номланиб, турнинг табиий шароитдаги вегетатив кўпайиш хусусиятлари, янги шароитга мослашиш қонуниятлари таҳлил қилинади.

Ушбу муаммони ўрганиш, клон бир ўсимлик (она ўсимлик)нинг вегетатив кўпайиши натижасида келиб чиққан ўсимликлар тўплами сифатида қараш билан боғлиқ. (Жмылев ва бошқ., 2005).

Тадқиқот объекти - *Allium stipitatum* тури ҳисобланиб, бу турнинг вегетатив кўпайиши нафақат генератив, балки генератив давригача ҳам ривожланадиган, моддалар алмашинувини амалга оширувчи барглари асосида шаклланадиган ёндош пиёзчалар орқали амалга ошади.

Тадқиқот олиб бориш учун Ботаника боғининг дарахт сояларида 1500 м² майдонни эгаллаган 100 минг тупдан ортиқ ўсимликлар ўсаётган локал популяция танлаб олинди. Баҳор даврида бу майдонга тўлиқ ёруғликнинг 20-25% тушади. Ўсимликлар вегетацияси дарахтларнинг барглари тўлиқ ёзилгунча тамом бўлади.

Танлаб олинган популяциянинг барпо қилинган жойи ва вақти аниқланди (60 йиллар олдин яратилган) тарқалиш йўналиши ва тезлиги белгиланди. Шу асосда 1 м² майдонда 25 дан 65 тупгача ўсимлик мавжуд 8-11 клонлардан иборат 15-30, 31-50 ва 50 ёшдан юқори субпопуляциялар ажратилиб олинди.

Клонлар таҳлилига кўра, 50 ёшдан катта деб ҳисобланган популяциядан келиб чиққан 16-30 ёшли субпопуляциялар ёш, 31-50 ёшли субпопуляциялар ўрта ёш популяция сифатида қабул қилинди. Ҳар бир субпопуляция чегарасидаги клонларни ўсимликлар сонига кўра: майда (2-5 ўсимлик), ўрта (6-10 ўсимлик) ва йирик (11-25 ўсимлик) гуруҳларга бўлди. 25 дан ортиқ ўсимликка эга клонлар сони етарли даражада бўлмаганлиги учун таҳлил қилинмади. Ҳар бир гуруҳдан 50 тадан кам бўлмаган клонлар ўрганилди.

1-2 баргли ўсимликларни имматур ўсимликлар каторига, гуллаган ўсимликларни – генератив, гулламаган 3-5 баргли ўсимликларни – виргинил ва гул ҳосил қилмаган 6-7 баргли ўсимликларни вақтинчалик гулламаган генератив ўсимликлар сифатида қабул қилдик (Филимонова, 1958; Жукова, Заугольнова, Черемушкина, 2004).

Олинган натижалар *A. stipitatum* турининг клон ҳосил қилувчи бошқа ўсимликлардан асосий фарқи – пиёзларнинг олдгенератив ҳолатда тез кўпайиши ва яққа ўсимликларга нисбатан ўсиш ва ривожланиш жараёнининг интенсив давом этиши билан ажралиб туради. Генератив ҳолатга ўтиш даврида озик моддаларнинг генератив соҳа – гулпоя, тўпгул, уруғкуртак ва уруғларнинг ривожланиши учун қайта тақсимланиши ҳисобига пиёзларнинг ривожланиши кескин камаяди.


Ўрганилган тур юқори бўлмаган фаолликда вегетатив кўпайиш хусусиятига эга бўлиб – ёндош пиёзчалар оддий шароитда, сезиларли бўлмаган ўлчамда, номуттасил ҳолатда кўпайиб боради. Бундай пиёзлардан ўсимликларнинг ривожланиши уларнинг ювенил ҳолатидан бошланади.

Баъзи ҳолатларда клоннинг шаклланиши ва ҳудудни эгаллаб бориши ёндош пиёзчаларнинг олдгенератив ҳолатда шаклланишидан содир бўлади ва шундан кейингина она ўсимликлар генератив босқичга ўтади.

Бошқа ҳолатларда она ўсимликларнинг генератив ҳолатга ўтиши эртароқ содир бўлиб, клоннинг шаклланиши уруғ ҳосил бўлиш жараёни билан параллел амалга ошади.

Клон ўлчами, ундаги ўсимликлар сони она ўсимлик периферик меристемасида амалга ошадиган ўзгаришларга боғлиқ бўлиб, унда ёндош пиёзчаларнинг изчил шаклланиши, ўсиш жараёнининг жадаллиги ва бу жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ.

Клоннинг ривожланиш жараёнида унинг онтогенетик таркиби ўн йиллар давомида, жуда секинлик билан ўзгаради. Генератив ўсимликлар сони маълум бир миқдоргача ортиб боради ва клондаги барча ўсимликларнинг деярли ярмини ташкил қилади (2-расм).



2-расм. Ўсимликлар онтогенетик ҳолати бўйича клонлар таркиби
клонлар: Ё – ёш; Ў – ўрта ёш; Ш – шаклланган.

□ – ёш клонлар ■ – ўртача клонлар ■ – йирик клонлар

Клонларнинг оптимал сони ёндош пиёзчалардан ривожланаётган ўсимликларни сиқиб қўйиш орқали сақланиб қолади. Узун ва кенг барглар соясида бу ўсимликлар биринчи баҳордаёқ нобуд бўлади.

Клон ўлчами билан ўсимликларнинг генератив ҳолатга ўтиш даври, бир вақтда гулловчи ўсимликлар сони, мева ҳосил бўлиши, мевадаги уруғлар сони ва уларнинг абсолют оғирлиги орасида бевосита боғлиқлик борлиги аниқланди. Шундай қилиб, *A. stipitatum* турида клонлар ҳосил бўлишида, ўриндош ва ёндош пиёзчаларнинг ривожланишида апикаль ва ён меристемалар фаоллигида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Tulipa L. турлари мисолида пиёзи атрофини ўраб турувчи қобиқларни ўрганиб чиққанимизда улар лола пиёзини ёзнинг юқори ва қишнинг паст ҳароратидан ҳимоя қилиши кўриб чиқилган (Печеницын, 1990). Илмий изланиш олиб борилган иқлим шароитига кўра лолалар билан ўхшаш шароитда ўсувчи *A. stipitatum* турида қоғозсимон пиёз қобиғи мавжуд бўлиб, (Хасанов, 2016) у ҳимоя вазифасини бажара олмайди. Шу билан боғлиқ равишда кескин-континентал иқлим шароитида ўсувчи ихчам клонларнинг ҳосил бўлиши уларни нафақат вегетация даврида, балки ёзги ва қишки тиним даврида ҳам ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, *Allium* L. турларининг клонлари бошқа ўсимликларнинг клонларини сингари морфо-ценотик яхлит ҳолатда кўриб чиқиш мумкин (Злобин, 2009). *A. stipitatum* тури клонининг морфо-ценотик хусусияти – генератив пояларнинг зичлиги, уларнинг ўрта ҳолатда жойлашиши, ўсимликларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳимоя функциясини бажариши, уруғ маҳсулдорликнинг бир меъёردа сақланишига йўналтирилган.

ХУЛОСАЛАР

«*Allium* туркуми *Melanocrommyum* кенжа туркуми айрим вакилларининг биоморфологик хусусиятлари» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тадқиқот олиб борилган турлар феноритмотипи бўйича баҳорги яшил, барг сарғайиши эрта бошланувчи (гуллашдан аввал ёки гуллаш даврида), гулпоялар вегетацияси нисбатан узоқ давом этади.

2. Генератив ўсимликларнинг асосий морфологик белгилари ва уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичларининг популяция ичидаги ўзгаришлари барглар сони билан бевосита корреляцион боғланишга эга.

3. *Allium* туркуми турларида яшовчанлик ортиб бориши билан ҳақиқий уруғ маҳсулдорликнинг ортиши турли механизмлар ҳисобига рўй беради. Ўрганилган барча турларда гуллар ва мевалар сонининг ортиб боришига, айрим турларда мева ҳосил бўлиши ва мевадаги уруғлар сонига боғлиқ.

4. Ҳақиқий уруғ маҳсулдорлик кўп ҳолларда нафақат бу йилги, балки ўтган йилги вегетация даврида ёруғликнинг етарли даражада бўлишига ҳам боғлиқ. Мева ҳосил бўлиш жараёни ўзгарувчан, мевада уруғларнинг ҳосил бўлиш жараёни эса нисбатан ўзгармас қийматга эга бўлади.

5. *Allium* туркуми турларининг ўрганилган популяцияларида уруғларнинг абсолют массаси 1,5-3 баробар катта бўлиши уларнинг дала шароитдаги унувчанлигини ва ёш ўсимликлар ривожланиш жадаллигининг юқорилиги билан боғлиқ.

6. *A. stipitatum* тури мисолида клон ўлчами билан унинг генератив ҳолатга ўтиш муддатлари, гулловчи ўсимликлар сони, мева ҳосил бўлиши, мевадаги уруғлар сони ва уларнинг абсолют массаси ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик борлиги аниқланди. Бу ҳолат ўриндош поя ва ён пиёзчаларнинг ривожланиши, учки ва ён меристемалар фаоллиги билан бевосита боғлиқлигидан далолат беради.

7. *A. stipitatum* клонлари ценотик хусусиятлари – муайян генератив пояларнинг зичлиги, уларнинг клон ўртасида жойлашиши, ўсимликларни бир-бирини ҳимоя қилиш функцияси – уруғ маҳсулдорлик даражасини бир меъёрда ушлаб туриш учун йўналтирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БОТАНИКИ

УРАЛОВ АБДУМАННОН ИСКАНДАРОВИЧ

**БИОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
НЕКОТОРЫХ ВИДОВ РОДА *ALLIUM* ПОДРОДА
*MELANOCROMMYUM***

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/B157.

Диссертация выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.floguz.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Печеницын Владимир Петрович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хасанов Фуркат Оринбаевич доктор биологических наук, профессор Хайдаров Хислат Кудратович доктор биологических наук
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «09» октября 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.B.39.01 при Институте ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за № 32). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «24» сентября 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от «24» сентября 2018 года)

К.Ш. Тожибаев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н., академик

Б.А. Адиллов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н.,
старший научный сотрудник

Ф.О. Хасанов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сохранение в мире биологического разнообразия, охрана растительного мира и рациональное использование ими является одной из глобальных проблем. Глобальная оценка биологического разнообразия по данным UNEP, "... на сегодняшний день в результате различных факторов свыше 30000 видов растений и животных стоят под угрозой исчезновения». В связи с этим, разработка способов выявления и сохранения декоративных, редких и исчезающих видов естественной флоры является одним из актуальных вопросов.

На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется систематике, экологии, интродукции и разработке мер охраны декоративных, редких и исчезающих видов растений. В этом отношении, доказана адаптивность редких и декоративных геофитов к условиям обитания с морфологической и экологической точки зрения, усовершенствовано размножение в условиях интродукции (*in situ*) и микрклонально (*in vitro*), и разработаны способы реинтродукции в условиях *ex-situ*. Следует отметить, что виды рода *Allium* L. отличающиеся своей редкостью и декоративностью, широко используемые в озеленении, фармацевтике и продовольственной промышленности, имеют особое значение. Распространение почти 41% представителей луковичных данного рода в странах Центральной Азии, что определение их морфологических особенности, обоснования их роста-развития и акклиматизация, интродукция, создание коллекции в условиях *ex-situ* разработке пути размножения оценка эффективности использования в озеленении имеют важное научно-практическое значение.

В настоящее время в республике проводятся широкомасштабные реформы по сохранению биологического разнообразия, также особое внимание уделяется охране и рациональному использованию растительного мира. На основе программных мер, осуществленных в данном направлении, достигнуты значительные результаты, в том числе, по сохранению редких и эндемичных видов растений и размножению при интродукции. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ поставлена задача «... профилактика проблем, угрожающей состояню окружающей среде». В этом отношении, научно-исследовательские исследования, направленные на выявление естественных популяций видов рода дикорастущего лука (*Allium* L.), охрана, обоснование биологических особенностей, размножение в условиях *ex-situ*, внедрение в озеленение и продовольственную промышленность имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан №409 «Об охране и использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 года,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

Указом Президента Республики Узбекистана УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана в 2017-2021 гг» от 7-февраля 2017 года и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 июля 2017 года № 530 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления лесным хозяйством» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

